



ЭРКИН АЪЗАМНИНГ “СОЙ БЎЙИ ЧИМЗОР” ҲИКОЯСИДА ПСИХОЛОГИЗМ ВА ХОТИРА ДРАМАТИЗМИ ТАЛҚИНИ

Шофиев Обиджон Бахтиёрович,

*Термиз давлат университети доценти, филология фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD)*

Аннотация. Мақолада адибнинг “Сой бўйи, чимзор...” ҳикояси замонавий ўзбек насрида психологизмнинг ёрқин намунаси сифатида таҳлил қилинади. Асарда қаҳрамон Жалил Норбоевнинг ички изтироблари, болалик хотиралари, хаёл ва орзулари орқали инсон руҳиятининг чуқур қатламлари очиб берилган. Хотира драматизми, воқелик ва хаёл қоришуви, ички монолог ва ирреал образлар қаҳрамон руҳиятидаги зиддиятларни ифода этишида муҳим омил сифатида кўрсатилади. Шу тариқа ҳикоя инсон ҳаётида хотира ва орзуларнинг маънавий аҳамиятини намоён этади.

Калит сўзлар: психологизм, хотира драматизми, орзу ва хаёл, ички монолог, замонавий ўзбек насри.

Аннотация. В статье анализируется рассказ писателя «Сой бўйи, чимзор...» как яркий образец психологизма в современной узбекской прозе. Через внутренние переживания героя Джалила Норбоева, его детские воспоминания, мечты и иллюзии автор раскрывает глубокие пласты человеческой души. Особое внимание уделяется феномену «драматизма памяти», слиянию реальности и воображения, а также роли внутренних монологов и ирреальных образов в художественном раскрытии внутреннего мира героя. Рассказ подчёркивает духовное значение воспоминаний и мечтаний в жизни человека.

Ключевые слова: психологизм, драматизм памяти, мечта и воображение, внутренний монолог, современная узбекская проза.

Annotation. The article analyzes the short story “Soy bo’yi, chimzor...” as a vivid example of psychologism in contemporary Uzbek prose. Through the inner sufferings of the protagonist Jalil Norboev, his childhood memories, dreams, and imagination, the author explores the deeper layers of the human psyche. Particular emphasis is placed on the phenomenon of “memory dramatism,” the fusion of reality and imagination, as well as the role of inner monologues and unreal images in depicting the character’s inner conflicts. The story highlights the spiritual significance of memory and dreams in human life.

Keywords: psychologism, memory dramatism, dream and imagination, inner monologue, contemporary Uzbek prose.

Адибнинг “Сой бўйи чимзор” ҳикояси замонавий ўзбек насрида психологизмнинг ёрқин ифодаларидан бири сифатида эътиборга моликдир. Бу асарда муаллиф инсон руҳиятининг чуқур қатламларига кириб боради, унинг ички изтироблари, болалик хотиралари, ҳаёл ва орзуларини бадий шаклда ифода этади.

Ҳикоя марказида Жалил Норбоевнинг шахсий ҳаёти, касбий изтироблари ва ички драматизми туради. Унинг ҳаётида реал воқелик билан ички орзулар олами ўзаро қоришиб кетади ва шунинг ўзи асардаги психологизмни таъминлайди. Адабиётшунос олима Машҳура Шералиева бу ҳолатни шундай ёзади: “... “Сой бўйи, чимзор...” ҳикояси қаҳрамони гўё икки оламда яшайди, ҳикоядаги бадий реаллик ҳам шунга мувофиқ иккига бўлинган – қаҳрамоннинг ўспиринлиги, сой бўйи, чимзор билан боғлиқ хотираларидан ирреал олам ва ҳозир, шу ердаги ҳаёти кечаётган реаллик”.¹

Қаҳрамоннинг болаликда кўрган манзаралари унинг бутун ҳаёти давомида йўлбошчи руҳий тажрибасига айланади. Лўлилар қўнган яланглик, сой бўйидаги чимзор, булутлар бағридан қўнган оққуш, оппоқ либосли номаълум қиз – буларнинг барчаси Норбоевнинг онгида умрбод сақланиб қолади. У ҳаётда қандай вазиятга тушишидан қатъи назар, қийналганда, изтиробга дуч келганда доим шу хотираларга қайтиб, улардан маънавий юпанч излайди. Бу ҳолат адабиётшуносликда хотира драматизми деб аталади. Пруст ижодида учрайдиган “хотира оқими” усулини эслатадиган бундай ҳолатда ёзувчи болалик таассуротларининг умрбод инсон қалбида сақланиб қолиши ва шахснинг бутун умрига таъсир кўрсатишини бадий тасвирлайди. Ҳикоядан парча келтирамиз:

“Норбоев ўйчан бўлиб ҳолди, ҳаёли тагин олисдаги чимзорга учди. – Яхши дамлар, бахтиёр дамлар, – деди у ўзича пичирлаб, ҳаёлан ўша манзилларга қайтаркан. –Тўғри... Лекин шунақа ширин дамларимдан кўра бошқа бир нарса менга кўпроқ юпанч беради. Қишлоғимиздаги сой бўйида бир чимзор бўларди. Сиқилсам, доим негадир ўша жойга боргим келади. ...Уни тун шарпалари уйғотиб юборарди. Бироқ у ўрнидан қимирлай олмас, қимирласа гўё ниманидир бузиб қўядигандек, ажиб бир бахтдан бебаҳра қолиб, кейин умр бўйи қўмсаб ўртаниб юрадигандек туюлар эди. Кўзини юмгиси, бояги ҳузурбахш ҳолатга қайтгиси келардию, аммо сой узра тўшалаётган тун ваҳимасидан қўрқарди.

Оқшом бог-роғлар бағрига чекинган, тун элчилари уни тош деворли гариб қулбанинг доим очиқ ётадиган шотинусха эшигидан ичкарига таъқиб этиб бормоқда... Сой шовқини ҳам қаергадир қувилгандек, олис-олисдан осуда шовиллаши қулоққа аранг чалинади. Унинг ўрнини дақиқа сайин кучайиб бораётган булоқ виқирлаши эгаллайди. Ана, тошчаларнинг бир-бирига урилиб

¹ Шералиева М. Ёрқин Аъзам ижодининг романтик босқичи хусусида // Scientific Bulletin. Series: Humanitarian Studies, 2021, № 5(57). 98 б.



шиқирлаши, жонсарак типирчилаб юрган митти томирчалар... Бир пайт у булоқ сасидан бошқа ҳеч нимани эшитмаётганини пайқайди. Гўё борлиқ айна лаҳзада ёлғиз ана шу товушдангина иборат. Энди ҳеч қачон бу ердан туриб кетолмайдигандек, тун салтанати ва булоқ шовқини кўкрагидан босиб, бунга йўл бермайдигандек кўринди, уни ваҳима чулғади...

Хотирасига маҳкам ўрнашган бу ҳолат, бу манзаралар Жалил Норбоевни кўп маҳал тарк этиб юрар, бирор нимадан эзилдими, кўз ўнгида бехос намоён бўлар, юрагига таниши дарддек кириб, тинчини олар эди. У бамайлихотир дамларида бу ноаниҳ ҳиссиётдан таажжубланар, “Нега эсладим? Нима бу ўзи?”, дея ўй сураб, ҳарчанд уринмасин изоҳини тополмас эди. Ҳозир ҳам музтар бир кайфиятда ҳолатини ҳамкасбига тушунтирмоқчи бўларкан, дафъатан ундаги лоқайдлик, хотиржамликни кўриб, бўшашиб кетди: “Ростдан ҳам миջгов бир романтикман, шекилли”.²

Асарда воқелик ва хаёл чегаралари йўқолиб кетган. Норбоевнинг хаёлида пайдо бўладиган манзаралар оққуш, оппоқ либосли қиз, булутлар бағридаги орзулар реал воқелик билан қоришиб, чегарасиз ҳолатда намоён бўлади. Шу орқали муаллиф қаҳрамоннинг руҳий изтиробини кучайтиради. Унинг хаёлидаги бу тасаввурлар ҳаётда мавжуд бўлмаса-да, у уларни ҳақиқий воқеликдай қабул қилади. Чимзорни эслаганида ўзи ва хотини билан у ерда ётганини кўради, булутлар бағридан қўнган қиз билан мулоқот қилади. Шу тарзда асарда воқелик ва хаёлнинг уйғунлиги орқали психологизмнинг кучли таъсири яратилади.

Норбоевнинг ички дунёсидаги драматизм унинг орзулари ва ҳаёт воқеликлари ўртасидаги зиддиятдан келиб чиқади. У ишдаги қийинчиликлардан чарчайди, ҳамкасблари билан тортишади. Унинг романтик руҳи кўпинча прагматик ҳамкасблари томонидан кулиш, паст кўришга дуч келади. Улар учун иш натижаси, амалий самара муҳим, орзу ва хаёл эса аҳамиятсиз. Норбоев эса болаликдаги орзулари ва хотираларидан куч олади, руҳан яшайди. Шу боис унинг ички изтироблари доимий равишда кучаяди. У реал ҳаёт билан орзулари орасида узвий уйғунлик топа олмайди. Бу эса қаҳрамоннинг руҳий драматизмини кучайтиради.

Ҳикояда ички монолог ва пичирлашлар муҳим ўрин тутди. “Сой бўйидаги чимзор...” деган ибора такрорланиши қаҳрамоннинг қалбидаги руҳий драматизмни очиб беради. У доим шу иборани такрорлайди, унинг онгида бу манзара ўчмас из қолдирган. Муаллиф қаҳрамоннинг ички монологлари орқали унинг қалбидаги зиддиятларни, ҳаётга муносабатини, орзуларини ва изтиробларини очди.

² Аъзам Э. Соё бўйи, чимзор... // <https://kh-davron.uz/kutubxona/uzbek/erkin-azam-soy-boyi-chimzor.html>

Асарда оппоқ либосли номаълум қиз образи алоҳида ўрин тутати. У қаҳрамоннинг ҳаёлида орзу қилинган софлик, муҳаббат ва маънавий идеал рамзи сифатида намоён бўлади. Бу қиз реал ҳаётда йўқ. У фақат қаҳрамон ҳаёлида мавжуд. Аммо унинг руҳий ҳаёти учун у алоҳида аҳамиятга эга. Норбоев учун у орзу қилинган маънавий юпанч, ички софлик тимсолидир. Норбоевнинг хотини билан мулоқотлари ҳам психологизмнинг муҳим жиҳатларидан бири ҳисобланади. Хотини унинг ҳаёлпарастлигига, орзумандликка мойиллигига гоҳ ажабланади, гоҳ унга ишонади. Шу жараёнда икки шахснинг руҳий уйғунлиги ва зиддиятлари ҳам намоён бўлади. Хотин эрининг орзуларини эшитар экан, аввал унга ишонмайди, кейин эса унинг руҳиятидан юқади ва ўзи ҳам орзумандликка берилади. Бу ҳолат орзу ва ҳаёлнинг инсон руҳиятида қандай кучли таъсирга эга эканини кўрсатади.

Асарда хотира ва ҳаёл қаҳрамон учун маънавий юпанч вазифасини бажаради. У болалик хотираларидан руҳий озуқа олади. Чимзор, сой бўйи, булутлар, номаълум қиз – булар унга ҳаётнинг қийин дамларида куч беради. Лекин уларга етиша олмаслик қаҳрамоннинг умрбод драматизмини белгилайди. Бу ҳолат орзу ва хотиранинг инсон ҳаётидаги бекиёс аҳамиятини кўрсатади.

Асар орқали муаллиф инсон ҳаётида хотира ва орзуларнинг муҳимлигини кўрсатади. Норбоев учун чимзор табиий манзара эмас, балки руҳий паноҳ, юрак ороми ва софлик тимсоли. Шу жиҳатдан асар нафақат шахсий изтироб ва хотира драматизмини, балки кенг маънавий масалаларни ҳам кўтариб чиқади. Унда инсон ҳаётида маънавий паноҳ ва руҳий юпанчнинг зарурлиги кўрсатилади.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, “Сой бўйи чимзор” ҳикояси ўзбек насрида психологизмнинг ёрқин намунаси ҳисобланади. Асарда воқелик ва ҳаёл қоришиб, қаҳрамоннинг ички дунёси, хотира ва орзулари, руҳий драматизми маҳорат билан очиб берилган. Норбоев образи орқали муаллиф инсон ҳаётида хотира ва ҳаёлнинг бекиёс аҳамиятини кўрсатади. Болалик хотираларининг умрбод таъсири, романтизм ва реализм тўқнашуви, орзу ва маънавий юпанч масалалари асарда ёрқин ифода топган.